



Куръон хомилларининг ахлоки (3-кисм)

(Давоми...)

«Ахлааку хамалатил Куръан» – «Куръон хомилларининг ахлоклари» китоби хакида

Бу асарнинг Ожуррий каламига мансублиги хакида Ибн Хойр Ишбилий ўзининг «Фехрисат»ида (285-б.) зикр килган. Шунингдек, китобнинг қўлёзма нусхалари ва уни

Хофиз Абдулгани Макдисий (в. 600 х.), Абдуллох ибн Мухаммад ибн Саъдуллох Ханафий (в. 584 х.), Ибн Закнун Ханбалий (в. 837 х.) каби буюк мухаддис хамда факихларнинг ўз санадлари билан килган ривоятлари хам китобнинг муаллифи Абу Бакр Ожуррий эканини таъкидлайди. Бинобарин, китобнинг Ожуррий каламига мансублигини, китобдаги ровийлар санади, унинг услуби ва бошка жихатлари муаллифнинг «Аш-шариъа», «Ахлаакул ъулама» ва «Ахбару Умар ибн Абдулазиз» каби асарларига монанд келишини айтиб тасдиклашимизга хожат хам колмайди.

Китобдаги ровийлар силсиласидан шу нарса маълум бўладики, муаллиф уни Маккаи Мукаррамада таълиф этган. Буни Ибн Закнун накл килган нусхада муаллиф китобни Абулхасан Али ибн Ахмад ибн Умар ал-Мукрий Хаммамийга Маккада имло килдиргани очик айтилганидан тушуниб оламиз.

Китобнинг илмий кийматига келсак, у ўз мавзусига кўра Куръон илмига доир хисобланади ва бевосита ушбу илмга тааллукли бўлгани эътиборидан энг шарафли шаръий китоблар сарасига киради.

Абу Бакр Ожуррийнинг юкори табака мухаддислардан бўлганини ва ўз даврининг энг мўътабар олимларидан, жумладан, дарс мажлисида ўн мингга якин хадис ёзувчиларга хадис айтадиган буюк мухаддис Абу Бакр Фирёбийнинг шогирдларидан эканини эътиборга олсак, мазкур китоб ўз мавзуида асл ва бош манбалардан хисобланиши равшан бўлади. Ўз навбатида бу асар Абу Убайд Ал-Косим (в. 224 х.), Мухаммад ибн Айюб Аз-Зорис (в. 294 х.) ва Абу Бакр Фирёбий (в. 301 х.) каби илк мухаддисларнинг ушбу мавзуда ёзган китоблари каби илмий ахамиятга эга.

Китоб мухаддисларнинг услубида, санад билан ривоят килиш усулида ёзилган бўлиб, 90 та наклни ўз ичига олган. Улардан 45 таси муаллифнинг санади билан марфуъ – узуликсиз равишда Расулуллох соллаллоху алайхи васалламгача етиб бориб, у зотдан накл килинган хадислардир. Колган хабарлардан 14 таси сахобалардан, 29 таси тобеъин ва улардан кейинги мухаккик олимлардан ривоят килинган накллар хисобланади. Булардан ташкари, муаллиф китобда яна 7 та хадис накл килган бўлиб, улардан баъзиларини муаллак – иснодсиз [1], бошкаларини мурсал – тобеъинлардан (сахобани тушириб) ривоят килган.

Муаллиф айрим ривоятларни заиф санад билан ҳам ривоят қилган. Бу муҳаддисларнинг илк авлодларининг одатлари бўлиб, улар бунда кўпинча ҳадиснинг бошқа санадлар ва ривоятлар билан қувватланишини ҳисобга олганлар.

Абу Мужоҳид Адулазиз қори «Ахлааку ҳамалатил Куръан» китобининг матнини тайёрлашда бешта кўлёзма нусхага таянган ва улардан бирини асос қилиб олган. У ҳам бўлса, Ибн Закнун номи билан машҳур бўлган Абул Хасан Али ибн Хусайн ибн Урва Ханбалий (вафоти 837 х.) раҳматуллоҳи алайҳнинг «Ал-кавакиб ад-дарорий» («Ёркин юлдузлар») номли катта асаридан олинган. Ибн Закнун ўзининг бу асарида Имом Аҳмаднинг «Муснад» китобини Имом Бухорий услубида тартибга солган ва шу билан бирга Имом Ожуррийнинг мазкур китобларини муаллифгача бўлган санади орқали тўлалигича келтирган.

Бу нусханинг эътиборга молик ери шундаки, унда китобнинг тўла матни мавжуд ва уни буюк олимлардан бири Ибн Закнун мўътабар саҳих санад ила нақл қилган. У «Ал-кавакиб ад-дарорий» асарининг қирк биринчи мужалладида келган бўлиб, уни хаттот Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Бадр Ханбалий ёзган ва 827 хижрий сананинг зулкаъда ойининг йигирманчиси шанба кунида тамомлаган.

Абу Мужоҳид Адулазиз қори фойдаланган қолган тўрт нусха қуйидагилар:

1. Шайх Муҳаммад Маҳмуд ибн ат-Таламийд ат-Туркузий Шинкийтий (вафоти 1322 х.) қаламига мансуб нусха бўлиб, унда китоб тўлиқ акс этган. Шайх Шинкийтий уни китобнинг асл нусхасига солиштириб чиққан ва баъзи бир тўғрилашларни китоб қирғогига ўз қалами билан қайд этган. Бу нусха Коҳиранинг «Дорул кутуб» кутубхонасида сақланади.
2. Дамашқдаги «Зоҳирийя» кутубхонасида сақланаётган нусха. Бу нусха жуда ҳам олий санад билан нақл қилинган. Аммо унинг баъзи қисмларига шикаст етган.
3. Бу нусха ҳам Дамашқдаги «Зоҳирийя» кутубхонасида сақланади. Унинг боши йўқ.
4. Дамашқдаги «Зоҳирийя» кутубхонасида сақланаётган яна бир кўлёзма нусха.

Китобнинг, булардан ташқари, Берлин ва Туркия кутубхоналарида ҳам кўлёзма нусхалари мавжуд.

Ахлааку хамалатил Куръан – Куръон хомилларининг ахлоклари

Ушбу китобни Абу Бакр Мухаммад ибн Хусайн Ожуррийдан Абулхасан Али ибн Ахмад ибн Умар ал-Мукрий Хаммамий, ундан Абу Бакр Ахмад ибн Али Туросийсий, ундан Абул Музаффар Али ибн Ахмад ибн Мухаммад Кархий, ундан Абу Толиб Абдуллатиф ибн Мухаммад ибн Али ибн Хамза ибн Форис Кубайтий ва ундан Ибн Закнун номи билан машхур бўлган Абул Хасан Али ибн Хусайн ибн Урва Ханбалий ривоят килган.

(Давоми бор...)

[1] Иснод сўзи санад тушунчаси билан чамбарчас боглик бўлиб, ровийлар санадини келтириш, деган маънони англатади.

Таржимон: Хасанхон Яхё Абдулмажид